



### ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЖАМОАТЧИЛИК ТИЗИМИ

Алимова Мавлуда Шухратбековна

Андижон давлат педагогика

институти тадқиқотчиси

**Аннотация:** Мақолада Европа Иттифоқи ҳудудидаги мамлакатлар таълим тизимлари ҳусусида мулоҳазалар билдирилган ва қиёсий таҳлил қилинган. Шунингдек, Европа мамлакатларида олий таълим муассасаларига талабаларни қабул қилиш жараёни борасида ҳам фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** олий таълим, семестр, ўқув йили, унитар тизим, бинар тизим.

Ушбу мулоҳазанинг исботи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг қуйидаги сўзларини келтиришимиз мумкин: “Таълим-тарбия ва тиббиёт муассасаларини янада ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва бугунги кун талаблари асосида жиҳозлаш даражасини ошириш, ижтимоий инфратузилма объектларини жадал ривожлантириш, аҳолини сифатли ичимлик суви ва замонавий санитария тозалаш тизимлари билан таъминлаш биз учун устувор йўналиш ҳисобланади. Ушбу мақсадлар учун давлат бюджети жами харажатларининг қарийб 60 фоизи йўналтирилади. Бу ўтган йилга нисбатан 4 триллион 100 миллион сўм ёки 22,5 фоиз кўп демакдир. Жумладан, таълим ва илм-фан соҳасини ривожлантиришга 34,3 фоиз, соғлиқни сақлаш тизимига 14,2 фоиз маблағ сарфланади”.

Таълим тизимини ислоҳ этишда ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунда Европа Иттифоқи мамлакатларида талабаларни ўқишга қабул қилиш хусусиятлари, ўқув йили давомийлиги ва унинг таркиби, ўқиш учун пул тўлаш тартиби, хорижда таҳсил олишни қўллаб-қувватлаш жиҳатларини ўрганиш ва таҳлил этиш жуда муҳим ўрин эгаллайди. Лиссабон конвенциясига биноан, “ўқишга кириш” ва “қабул” атамалари ўзаро боғлиқ ҳисобланса ҳам, бироқ бир-биридан фарқ қилади. Улар олий таълимда иштирок этишга йўналтирилган бир жараённинг турли босқичларини англатади. Ўқишга кириш ва қабул талабларини солиштириш жараёнида баъзи мамлакатларда ўқувчиларнинг қобилиятларига қараб турли йўналишлар бўйича тақсимланишига асосланган ўрта маълумот таркиби тўғрисида тасаввурга эга бўлиш зарур. Шуни таъкидлаш керакки, ўқув йилининг таркиби асосан миллий, ижтимоий ва маданий анъаналар билан боғлиқдир. Мамлакатлар ўртасида ўқув йили таркибидаги фарқлар талабаларнинг мослашувчанлигига жиддий тўсиқ бўлиши мумкин. Ўқув йили таркибининг имкониятларидан кенгрок фойдаланиш мақсадида 1993 йилдан бошлаб тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда. Ушбу тадқиқотлар ўқув йилининг



бошланишида машғулотларни семестрлар, триместрлар ва ундан ҳам кичик модуллар кўринишида ташкил этишда кескин фарқлар мавжудлигини намоён этди.

Кўпчилик мамлакатларда ўқув йили октябрь ойининг биринчи икки ҳафтасида бошланса, Скандинавия мамлакатлари ва Голландияда анча аввалроқ бошланади. Италиядаги баъзи олий таълим муассасаларида ўқув йили ноябрнинг биринчи ўн кунда бошланади. Имтиҳон ва таътиллار муддати ҳам турличадир. Шундай қилиб, умумий тизимнинг киритилиши мавжуд фарқлар билан мураккаблашмоқда. Ўқув йилини бошлаш борасида умумий тавсиялар ишлаб чиқилган: биринчи семестр октябрь ойининг иккинчи ҳафтасидан кечикмасдан, иккинчи семестр эса 1 февралдан сўнг бошланиши керак.

Фуқаролик жамиятининг шаклланиб бориши ва иқти-содиётни модернизациялаш шароитида “... демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муқим қадрият ва цал қилувчи куч булган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш вазифасини доимо узининг асосий усту-вор йуналишлари қаторига қуядиган давлатгина узини наъмоён эта олиши мумкин”.

Яна бир муаммо ўқитувчилар малакасини ошириш тизимининг самара бермаётганидир. Ҳар йили кўплаб ўқитувчилар ишдан ажралган ҳолда икки ой (288 соат) давомида (чунки малака ошириш марказларининг ҳам ўз режалари бор, йилига муайян фоиз ўқитувчининг малакасини ошириши керак) “мажбурий” малака оширишга жалб этилади. Афсуски, малака оширишга бориб келгач, ўқитувчиларнинг аксариятида ижобий тарафга ўзгариш бўлганига, дарсни энг замонавий технологиялар асосида қойиллатиб ўтганига гувоҳ бўлмайсиз. Қолаверса, малака ошириш ўқув жараёни пайтида бўлади. Ўқитувчиларнинг икки ойлик дарсини ким ўтади? Ўқитувчилар касбий салоҳиятининг етарли даражада эмаслиги ҳам тизим олдида турган муаммолардандир. Деярли барча олий таълим муассасаларида ўз соҳасининг усталари билан бир қаторда ўртамиёна ўқитувчилар ҳам ишламоқда. Ўқитувчиларнинг касбий ва педагогик компетенцияси ҳамда рейтингини мунтазам аниқлаб, таҳлил қиладиган, уларнинг натижаларига кўра рағбатлантириш ёки лавозимини пасайтириш, тизимдан четлатиш (ўз устида ишлаб, маҳоратини оширмас экан) имконини берувчи тизим йўлга қўйилиши, ўқитувчи фаолиятига талаблар қайтадан кўриб чиқилиши лозим.

Вазифаларни қоғозда бажаришга беҳуда вақт сарфланяпти, ўқитувчилар ва дарслар сифати эса эътибордан четда қолмоқда. Масалан, “Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув, илмий-методик, илмий-тадқиқот, ташкилий-методик, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишлар юкламасини аниқлаш қоидалари”(Адлия вазирлигида 2720-рақами билан 2015 йил 19 октябрда рўйхатга олинган, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 9 сентябрдаги 5-2015-сонли буйруғи билан тасдиқланган)ни қайтадан ишлаб чиқиш ўқитувчилар фаолияти учун ўта муҳим. Мазкур қоидаларга кўра, ўқитувчи зиммасига 6 та вазифа



юкланмоқда. Уларни камайтириш, педагогларнинг ўз устида ишлашига, касбий маҳоратини оширишига кенгроқ имкон яратиш учун мазкур қоидаларни такомиллаштириш лозим.

Таълим учун пул тўлаш тизимини ўрганиш шуни кўрсатдики, тўлов тизимлари бир-бири дан фарқланади. Ушбу фарқлар Европа олий таълим тизимининг келажакдаги тараққиёти учун катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Чунки молиявий нуқтаи назардан баъзи талабаларга ўқиш учун тўлов юқори бўлган мамлакатлар эмас, балки бепул таълим берадиган мамлакатлар жозибалироқ ҳисобланади. Бундай тўловлар алмашув дастурлари бўйича таҳсил олаётган талабаларда муаммо туғдирмайди, чунки талабалар алмашув дастурлари бўйича келишувлар тўловлардан озод қилишни назарда тутди. Хорижда тўлиқ ўқув курсини ўташ ниятида бўлган бошқа талабалар эса тўловларни амалга оширишда қийналишлари мумкин. Ҳозирги кунда ўнта мамлакатда доимий талабалардан тўлов олинмайди: Австрия, Германия, Греция, Ирландия, Люксембург ва Скандинавия мамлакатлари – Дания, Финляндия, Швеция, Норвегия, Исландия. Голландия ва Буюк Британияда ўқиш учун энг юқори тўлов жорий қилинган. Шундай бўлса ҳам ушбу мамлакатларда зарурат туғилганда ўқиш учун тўлов камайрилиши ёки тўлиқ (қисман) компенсацияланиши мумкин.

Германияда бакалавр ва магистр даражаларини бериш 1988 йилда қабул қилинган Университет акти билан белгиланган. Шу билан бирга бакалавр ва магистрлик дастурлари аккредитация тизимини жорий этиш ва Германия олий мактаблари ректорлари конференцияси (Hochschulrektorenkonferenz) билан узвий боғлиқ бўлган аккредитацион

кенгашни ташкил этиш ишлари амалга оширилди. Бундан мақсад ҳозирги кунга қадар анъанавий миллий даражалар каби эътироф этиш процедуралар билан тартибга солинмайдиган дастурлар учун умумий стандартларни таъминлашдан иборат

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Европа Иттифоқи мамлакатларида ўқув йилини ташкил этишнинг илғор тажрибасидан бизнинг миллий таълим тизимимизни такомиллаштиришда ижодий фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунингдек, Европа мамлакатларида таълим учун ҳақ тўлаш ва хорижда таҳсил олишни қўллаб-қувватлаш тизимини таҳлил этиб, ўрганиш ушбу тизимда келажакда амалга ошириладиган ислохотлар учун асос бўлиши мумкин.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014



йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» газетаси, 2015 йил 17 январь.

2. Гретченко А.И., Гретченко А.А. Болонский процесс: интеграция России в европейское и мировое образовательное пространство. – М.: «КНОРУС», 2009.

3. Талабаларнинг Гетеборг декларацияси (Гетеборг, 22-25 март 2001 й.). Student Goteborg Declaration. – Goteborg, Sweden, March 25, 2001. Манба: <http://www.esib.org>.